

“АЁЛ” КОНЦЕПТИНИНГ АССОЦИАЦИЯЛАРИ (Концептнинг ижтимоий, жисмоний, шахсий сифатлари)

Умарова Наргиза Рустамовна

Филология фанлари доктори, доцент

Фарғона давлат университети

Бахрамова Мунира Мадаминовна

Ўқитувчи

АННОТАЦИЯ

Мақолада замонавий тилишуносликда концепт тушунчасининг қўлланилиши, семантик-когнитив таҳлил усули ёрдамида “аёл” концептининг когнитив тузилиши, концепт доирасида жинс ва ёш онги билан бозлиқ когнитив хусусиятлар, концепт онг бирлиги эканлиги, уларни лингвистик ўрганишда лексикографик маълумотларга таянилиши, XX асрнинг 30-йилларидан бошлаб тилишуносликда турли номинативларни, шу жумладан, жинсни номлашининг лексик ва фразеологик воситалари муаммоси, антик давр фалсафасида аёл тимсолининг шаклланиши ва бу мавзуда машҳур олимларнинг қараашлари, “она” лексемаси “аёл” концепти вербализаторларидан бири сифатида концептуал сферада муҳим ўрин туттиши, аёлларнинг жамиятдаги мавқеи масаласи ва бунга диний ёндашувлар ҳақида фикр юритилган. Шунингдек, далиллар гендер фалсафаси нуқтаи назаридан ҳам таҳлил қилинган.

Калим сўзлар: тилишунослик, концепт, лингвокультурология, антик давр фалсафаси, аёл образи, антропоцентрик парадигма, когнитив таҳлил.

АССОЦИАЦИИ КОНЦЕПТА “ЖЕНЩИНА”

(Личностные, физические и социальные аспекты концепта)

Умарова Наргиза Рустамовна

Доктор филологических наук, доцент

Ферганский государственный университет

Бахрамова Мунира Мадаминовна

Преподаватель

АННОТАЦИЯ

В статье описывается использование концепта в современной лингвистике, когнитивная структура концепта «женщина» с использованием метода семантико-когнитивного анализа, когнитивные особенности, связанные с половозрастным сознанием внутри концепта, то, что концепт единица

сознания, опирающаяся на лексикографические данные при их лингвистическом изучении, с 30-х годов XX века в языкоznании в том числе проблема лексико-фразеологических средств именования различных номинативов, в том числе рода, формирование образа женщины в философии древности и взгляды известных языковедов на эту тему, лексема «мать», занимающая важное место в понятийной сфере как один из вербализаторов концепта «женщина», вопрос о положении женщины в обществе и религиозных подходах к этому обсуждают. Данные также анализируются с точки зрения гендерной философии.

Ключевые слова: языкоznание, концепт, лингвокультурология, античная философия, образ женщины, антропоцентрическая парадигма, когнитивный анализ.

ASSOCIATIONS OF THE CONCEPT “WOMAN” (Personal, physical and social aspects of the concept)

Umarova Nargiza Rustamovna

Doctor of Philology, Associate Professor

Fergana State University

Bahramova Munira Madaminovna

teacher

ABSTRACT

The article describes the use of the concept in modern linguistics, the cognitive structure of the concept of "woman" using the method of semantic-cognitive analysis, the cognitive features related to gender and age consciousness within the concept, the fact that the concept is a unit of consciousness, relying on lexicographic data in their linguistic study, since the 30s of the 20th century in linguistics including the problem of lexical and phraseological means of naming various nominatives, including gender, the formation of the image of a woman in the philosophy of antiquity and the views of famous linguists on this topic, the lexeme "mother" occupying an important place in the conceptual sphere as one of the verbalizers of the concept "woman", the issue of the position of women in society and religious approaches to this are discussed. The evidence is also analyzed from the perspective of gender philosophy.

Keywords: linguistics, concept, linguoculturology, ancient philosophy, image of a woman, anthropocentric paradigm, cognitive analysis.

КИРИШ

Замонавий тилшунослиқда антропоцентрик парадигма қамровида олиб борилаётган илмий изланишлар сони тобора ортиб бормоқда. Бунинг боиси шуки, бу йұналишдаги тадқиқотларда тил бирликларининг структурал-семантик қурилиши, уларнинг кундалик мұлоқотда коммуникатив-прагматик жиҳатдан онгли қўлланиши, ва энг мұхими, у ёки бу тил жамоаси вакиллари бўлган социуслар мұлоқотининг тўлақонли кечишида, қолаверса, мұлоқот каби мураккаб бир жараёнга дахлдор қатор лингвокогнитив ва лингвокультурологик муаммоларга илмий асосланган ечимлар беришда муайян тилда сўзловчи, ёзувчи инсон омилиниң роли бекіёс эканлиги ва бу омилга доимо асосий эътиборни қаратиш лингвокогнитив таҳлилнинг қатъий тамойилларидан бири эканлиги соҳа тадқиқотчилари томонидан қайд этилиб, унга оғишмай, қатъий амал қилиб келинаётганлиги билан асоаланади.

Шундай экан, когнитив тилшунослик ва лингвокультурологияниң асосий ўрганиш обьекти саналадиган “концепт” назарияси ривожланиб, тобора сайқал топиб бормоқда.

Концепт онг бирлигининг асоси бўлиб, лингвистик воситалар ёрдамида реификация (вакиллик, обьективлаштириш, вербализация) орқали тақдим этилади. Концептни обьективлаштирадиган лингвистик воситалар йиғиндинсини таҳлил қилиш орқали унинг мазмуни ва тузилишини концептуал сферада қайта қуриш мумкин. У фақат лингвистик маълумотларга асосланади, концептлар эса онг бирликлари сифатида таркибининг новербал қисмiga эга бўлади. Шу билан бирга, “концептлар мазмунини лисоний бирликлар орқали таҳлил қилиш уларни тавсифлаш учун етарлича бой ва энг ишончли асос беради” [1, 5-6]

Ассоциатив манба ва дискурсив реализация концептуал таркибининг тил доираси ёки синхрон бўлакнинг концептуал мазмуни долзарб бўлган жиҳатларини очиб беради ҳамда турли хил дискурсив амалиётларда концепт вербаллашувининг семантик ва прагматик асосда концептуал таркибининг тарихий ўзгаришини ўрганишда аҳамият касб этади.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Концептосферани ҳар томонлама таҳлил қилиш нафакат алоҳида сўзлар семантикаси ўзгаришининг тарихий усулларини (масалан, хоним, қиз), балки миллий тилнинг бошқа қатламлари билан ўзаро муносабати жараёнида адабий тилда маълум маъноларнинг пайдо бўлиши / йўқолиши (масалан, қизча, ойимқиз, бўйқиз ва ҳоказо), лексемаларнинг семантик метаморфозаларини,

концептнинг ассоциацияларини аниқлшга имкон беради. Бу ассоциациялар ўзининг бир қатор ижтимоий, диний ва фалсафий илдизларига ҳам эгаки, уларсиз концепт таҳлилини тўлақонли амалга ошириш мумкин эмас.

Масалан, И.Кант аёлларнинг қуи интеллектуал қобилиятлари ҳақида гапирганда, у уларнинг дидини, гўзаллик туйғусини, сезгиригини, фаоллигини таъкидлайди: “Аёллар чиройли, жозибадор ва қўркам нарсаларга кучли туғма мойилликка эга... Бу гўзал жинс эркак жинси сингари ақл-идрокка эга”. [2,224]

Насронийлик ва ислом динида ҳам аёлнинг прототипи – бу итоасизлик, гуноҳ натижасида жаннатдан ҳайдалган Момо Ҳаводир. У – Одам Атонинг ҳам жаннатдан қувилишига бош сабабчи. Анъанавий христиан маданияти тарихида аёл қиёфаси иккиласи насронийлик цивилизацияси каби иккиёклама қарашларни ифода этган [3]. Аёл – бу илон томонидан алданган Момо Ҳаво, гуноҳларнинг боши ва бутун дунёдаги таънавий тамойил, бошқа томондан эса, бу – бокира Биби Марям – инсоният орасида энг мукаммал хилқат. Худо томонидан дунёга келтирилган бокира ва гуноҳсиз аёл. Насронийлик маданиятидаги аёл архетипининг улкан амбиваленцияси, унинг юқори чегарасини (Худонинг онаси) ва пастки қисмини (жодугар) ажратиб туради, эркаклар асосан ушбу маънавий стратиграфиянинг ўрта маконида яшашган [5.]

Идеал аёл қиёфаси Эски Аҳдда бошқача, яъни Соранинг тимсоли билан ифодаланади. У гўзал ва солиҳа, эрига итоатлидир. Иброҳим ҳам унинг иродасига қарши ҳеч нарса қилмади, аксинча, ҳамма нарсада унга бўйсунди. Ахир Роббининг ўзи Иброҳимга деди: “Сора сизга айтадиган ҳамма нарсада унинг овозини тингланг”[6]. Эски Аҳд давридаги яхудий аёлнинг олами учта таркибий қисм атрофида бўлган: никоҳ, оила ва болалар туғилиши. Тавротда аёл турмуш қурган ёки никоҳ арафасида пайдо бўлади ва унинг бутун ҳаёти шу пайтгача аҳамиясиз ҳисобланган. Никоҳдан кейин аёл – она ва хотин каби юқори мақомга эга бўлган.

Ривоят қилинишича, Аллоҳ мукаммал дунёни яратишга аҳд қилди ва бунга 6 кун вакт кетди. 7-куни тупроқдан Одамни яратди. Бутун олам гўзалликларини Одамга инъом этди. Бироқ Одам тез орада зерика бошлади. Шунда Аллоҳ аёлни яратишни истади. Бахтга қарши, тупроқ ҳам қолмаган эди. Одамни ухлатиб, унинг чап қовурғасидан аёлни яратди. Унга ойнинг жамолини, мажнунтолдан соchlарини, кийиклардан мағрурлик, гуллардан нағислик, балиқдан увилдириқ, деганлари куй бўлсин, хониш бўлсин дея булбулдан наво.... Бутун олам гўзалликларидан бир чимдим-бир чимдимдан олиб, аёлни яратди ва унга Ҳаво деб исм қўйди. Шунда мукаммал дунё бир кам дунёга айланди. Фақатгина аёл

мукаммал яралган бўлиб, 18 минг олам ҳусн-тароватининг соҳибаси деб тан олинди. Аёл эркакнинг чап қовурғасидан олингандилиги учун бутун умр унга итоат қилиши буюрилди. Бироқ Ҳаво ўзининг ишонувчанлиги туфайли илон тимсолидаги шайтоннинг гапига кириб, маън қилинган мевани истеъмол қилди. Ҳатто Одамга ҳам берди. У мангу таъна остида қолди.

Узоқ тарихда араб жамиятида аёлга бир матоҳ сифатида қаралди. Қиз фарзанд туғилиши билан у тириклигича кўмиб ташланди. Араб мамлакати эркаклари бошқа давлат аёлларига уйланди. Аёл эркак учун шунчаки бир чўри, эрмак, фарзанд дунёга келтирувчи сифатида қаралди. Шу билан биргалиқда, аёл онги паст, шайтони кучли, жаннатдан қувилган, шунинг учун у бутун умр жазога мустаҳиқ деб қаралди. Бу ҳолат пайғамбаримиз Мұхаммад с.а.в. даврига қадар давом этди. Айнан пайғамбаримиз аёлларни улуғлаш жоизлигини ўргатди. Ислом аёлларнинг мавқеини кўтариб, уларга ҳуқук ва имтиёзлар берди. Никоҳ шартномаси, яъни маҳр белгилаш, ҳаттоки, аёлга эри ёқмаса, никоҳни бузишга ҳам рухсат берилди. Аёлга ёрдамга муҳтож, заифа, ожиза сифатида қарала бошланди. Пайғамбаримиздан бизга “Яхшилик қилсанг, олдин онангга, онангга ва яна онангга, кейин эса отангга” каби ибратли даъватлар қолди.

Исломда аёлларнинг мавқеини яхшилаган шартлар орасида қуйидагиларни эътироф этиш мумкин: аёлнинг ўз никоҳига розилиги, аёлларнинг шахсий мулкка эгалик қилиши, таълим олиши ва ишлаш ҳуқуқи [7]. Ислом эркак ва аёл ўртасидаги севгини Аллоҳнинг ишораси деб ҳисоблайди: эрларини хотинларига меҳрибон бўлишга, хотинларини эса эрларига итоаткор бўлишга чақиради. Куръон оиласидан низоларда ўзаро келишувга интилишни рағбатлантиради [8]. Исломда эркаклар ва аёллар ўртасида Аллоҳга нисбатан фарқ йўқ. Улар амаллари учун бир хил мукофот ёки жазо оладилар[8]. Аммо барча эркинликларга қарамай, исломий аёл, биринчи навбатда, оиласи ва фарзандлари учун масъулдир. Оила, эри ва болаларига ғамхўрлик қилиш ҳар доим биринчи ўринда туради. Аёл эркак билан оила ва болалар тарбияси учун жавобгарликни баҳам кўради ва оиласидан ҳаёт ҳар икки томон (эркаклар ва аёллар) нинг ўзаро иштирокисиз бир меъёрда давом этиши мумкин эмас. Акс ҳолда, оиласидан ҳаёти бузилади ва бу болаларга салбий таъсир кўрсатади.

Ўрта асрларда даволаш неъматига эга бўлган гўзал аёллар черков томонидан жодугарлар деб эълон қилинган ва гулханда ёндирилган. Аёллар ҳаёти ва мавқеи ҳар доим черков томонидан тартибга солинган. Аёллар мақомининг ошиши XII–XIII асрларда гуллаб-яшнаган Биби Марям культида

ёркин намоён бўлади. Бокира Марям янги Момо Ҳаво деб ҳисобланган ва у туфайли барча аёлларнинг гунохидан ўтилган.

Руссо ҳамма нарсани аёл жинси учун заарли деб ҳисоблаган, унингча, аёл учун эркинлик, бекорчилик ва итоатсизлик хосдир [11].

А.Шопенгауернинг фикрига кўра, “аёл дастлаб ақли заиф, чунки у 18 ёшга келиб ривожланишдан тўхтайди, ақли қисқалиги, исрофга мойиллиги билан ажralиб туради. Аёл бола ва эркак ўртасидаги оралиқ қадамни англатади. “Аслида ким эркак?” Унинг назариясига кўра, аёл ер юзида мавжуд бўлган ягона нарса, факат инсониятнинг тарқалиши учундир ва бу унинг мақсади интиҳосидир. Аёлга раҳм-шафқат билан муносабатда бўлиш керак, лекин ҳурмат ва эҳтиром билан эмас, чунки бу уни янада бузади [12.В.186–193].

Гендер фалсафаси нуқтаи назаридан О.Вайнингер “барча жинсий оралиқ шаклларга қарамай, инсон, охир-оқибат, ҳали ҳам иккита нарсадан бири: эркак ёки аёл” деб ҳисоблади [13, 86]. Файласуфнинг сўзларига кўра, аёл ахлоқсиз, у кўп нарсани эслолмайди, шунинг учун ёлғон ва ҳақиқат у учун бир хил. Аёлнинг онгли “мен”и йўқ. У ўзини ижтимоийлик билан боғлиқ ҳис қилмайди ва “мен”и йўқлиги боисидан аёллар ирода ва характеристга эга бўлолмайди. Жамиятда аёл ҳеч қачон эркак билан бир хил ижтимоий мавқеда турмайди, чунки у иккинчи даражали ва қуий. “Разилликнинг тимсоли бўлган эркак аёлларнинг энг юксакларидан чексиз устун туради; у ундан шунчалик юқорига кўтариладики, бу ерда ҳеч қандай таққослаш ва қиёслаш ҳақида гапириш мумкин эмас”[12].

Ф.Ницце бу масалада ўз фикрларини билдириб, О.Вайнингер каби аёллик тамойилини пастга туширмайди. Файласуф аёлда ақл, фаросат, зийраклик борлигини тан олади. Ф.Ницценинг сўзларига кўра, аёл ўз ўрнини билиши ва ҳокимиятни эгаллаб олишга интилмаслиги керак. Аёл жамиятни ахлоқий жиҳатдан бузишга қодир ва бу унинг заарли эканлигидан далолат. Жамиятдаги асосий роль эркакка тегишли бўлиши керак. Файласуфнинг сўзларига кўра, аёллар айёр ва топқир. Уларнинг асосий вазифаси эркакка азоб беришдир [14,420].

ХУЛОСА

Кўп асрлар давомида аёлларга бўлган қарашларнинг ўзгариши тилда ҳам ўз аксини топди. Муайян маданиятда шаклланган “аёл” тушунчаси бой лингвистик ифодага эга бўлиб, чуқурроқ ва ҳар томонлама ўрганиш уни тўлиқ тушуниш имконини беради.

“Аёл” маданий концепти тилшунослар ва маданиятшунослар томонидан 1) “аёл” лексемасининг концептуал мазмунини шакллантиришга ижтимоий омилларнинг таъсири [15,220]; 2) лингвокультурологик [18,226] аспектда “аёл” концептининг “фразеологик тили” [17,226]ни тадқиқ этиш; 3) аёл образини ретроспектив таҳлил қилиш [19,20]; 4) тилда аёл образини акс эттиришнинг миллий ва маданий хусусиятлари [20,273]; 5) “аёл” концептини турли хил нутқ турларида санъат обьекти сифатида вербализация қилиш механизмини аниқлаш нуқтаи назаридан кўриб чиқилмоқда. Шунингдек, испан тилида сўзлашадиган аёлларнинг коммуникатив хулқ-автори ва тилининг ўзига хос хусусиятлари [Н.И.Фирсова: 21,350] гендер жиҳатдан новербал-коммуникатив хатти-харакатларнинг ўзига хос хусусиятлари [Г.Е.Крейдлин: 22,57] ҳамда аёл ҳиссиётларини ифода этиш [И.С.Баженова: 23,100] масалаларини ўрганишга ҳам эътибор қаратилмоқда.

Шундай қилиб, аёлларнинг жамиятдаги мавқеи тўғрисидаги тўлиқ таъриф ва тарихий шарҳ ўзининг антик дунё давридан бошланган чуқур илдизларга эга эканлигини яна бир бор исботлади.

REFERENCES

1. Карасик В. И., Стернин И. А. Предисловие // Антология концептов / Под ред. В. И. Карасика, И. А. Стернина. М.: Гнозис, 2007.
2. Аристотель. Политика / Аристотель // Сочинения : в 4 т. / Аристотель. – М., 1984. – Т. 4. – С. 383.
3. Логинов, А.А. Мужчина и женщина. Отношения полов / А.А. Логинов. - Владивосток, 1990. - 224с
4. Розанов, В.В. Возле «русской идеи»... // Розанов В.В. Сочинения / сост. и comment. А.Л. Налепина и Т.В.Померанской. - М., 1990. – С.326.
5. Фуртай, Ф. В. Образ женщины в современной массовой культуре [Электронный ресурс] / Ф. В. Фуртай. – Режим доступа: http://antropotopos.ru/Article/2_June/3_Furtai.rtf. (Дата обращения: 17 ноября2009).
6. Библия : книги Священного писания Ветхого и Нового завета : в рус. пер. пер. с парал. Местами : с прилож. крат. библейск. указ. и объяснит. примеч. пастора Б. Геце. – 7-е изд. – Стокгольм, 1990. – 1302 с. [Библия,
7. Коран / пер.с араб., comment. М.-Н. О. Османова. – 2-е изд., перераб., доп. – М. : Ладомир, 1999. – 926 с.
8. Бебель, А. Женщина и социализм / А. Бебель. – М. : Изд-во «Госполитиздат», 1959. – С.100.

9. Гофф, Ж. ле Цивилизация средневекового Запада / Ж. ле Гофф. – Сретенск : МЦИФИ, 2000. – С. 266
10. Руссо, Ж.-Ж. Избранные сочинения : В 3т. : Т.1. Об искусстве и литературе / Сост., авт.вступ.ст. И. Е. Верцман. – М. : Гослитиздат, 1961. – 851с.
11. Шопенгауэр, А. Введение в философию ; Новые паралипомены ; Об интересном : сборник / А. Шопенгауэр. – Минск : Попурри, 2000. – С. 217
12. Шопенгауэр, А. Афоризмы и максимы / А. Шопенгауэр. – Л. : Изд-во Ленинградского университета, 1991. – С.186-193.
13. Вейнингер, О. Пол и характер: принципиальное исследование / О. Вейнингер. – М. : Изд. Центр «Терра», 1992. –С.82
14. Ницше, Ф. Человеческое, слишком человеческое: книга для свободных умов / Ф. Ницше // Сочинения : в 2 т. / Ф. Ницше. – М., 1990. – Т. 1. – С.421.
15. Демичева В.В. Наименование лиц женского пола в русском языке XVIII века: Дисс. .канд. филол. наук. — Воронеж, 1996. — 229 с.
16. Шишигина, О. Ю. Объективация концепта «женщина» в английской фразеологии : автореф. дис. ... канд. филол. наук / О. Ю. Шишигина. – Барнаул, 2003. – 21 с.
17. Чибышева, О. А. Концептуальный аспект внешности женщины (на материале предметных фразеологизмов русского языка) / О. А. Чибышева // Гуманитарные исследования : ежегодник : межвуз. сб. науч. тр. / Омский государственный педагогический университет. – Омск, 2004. – Вып. 9. – С. 224–227.
18. Телия, В. Н. Русская фразеология: семантический, прагматический и лингвокультурологический аспекты / В. Н. Телия. – М. : Яз. рус. культуры, 1996. – 288 с.
19. Васюк, В. В. Ретроспективный анализ образа женщины (на материале цитат) /В. В. Васюк // Язык как структура и социальная практика / Межвуз. сб. науч. тр. – Хабаровск, 2004. – Вып. 5. – С. 14–22.
20. Адонина, Л. В. Методика концептуального анализа (на примере концепта женщина) / Л. В. Адонина // Ученые записки Таврического национального университета им. В. И. Вернадского. Сер. Филология. – 2007. – Т. 20 (59), № 1. – С. 272–282.
21. Фирсова, Н. М. Современный испанский язык в Испании и в странах Латинской Америки : учеб. пособие / Н. М. Фирсова. – М. : ACT : Восток – Запад, 2005. – 352 с.

-
22. Крейдлин, Г. Е. Женское и мужское невербальное интерактивное поведение (межкультурный аспект) / Г. Е. Крейдлин // Gender-Forschung In Der Slawistik : Beitrage der Konferenz Gender – Sprache – Kommunikation – Kultur, 28 April bis 1 Mai 2001 / Institut für Slawistik, Friedrich Schiller- Universität Jena, Wiener Slawistischer Almanach. Sonderband. – Wien, 2002. – С.55–68.
23. Баженова, И. С. Экспрессия эмоций в контексте гендерных исследований // Разноуровневые характеристики лексических единиц. Сборник научных статей по материалам докладов и сообщений конференции. Часть 4. Слово в тексте. – Смоленск : СГПУ, 2001. – С. 99–104.